



БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Азизова Маҳбуба Ҳилол қизи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7127490>

Аннотация. Мазкур мақолада бўлажак мутахассисларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнига педагогик ва касбий фанларнинг илғор ютуқларини қўллаш.

Калит сўзлар: Касбий инновацион фаолият, глобаллашув жараёни, таълим, малакали мутахассислар, интеллектуал маҳсулот.

Annotation. In this article, the application of the advanced achievements of pedagogical and professional sciences to the educational process in the preparation of future specialists for professional innovative activities.

Key words: Professional innovative activity, globalization process, education, qualified experts, intellectual product.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти рейтингида юқори ёки қуйи ўринларда туриши унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қайдаражада тараққий этганлиги билан бевосита боғлиқ эканлигини англаб етмоқдамиз. Ҳозирда тараққиёт эса, ривожланишга хизмат қилувчи янги ғоялар, яъни инновацияларнинг яратилиши ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги амалиёти натижасида юзага келади. Шу боис ҳам касбий инновацион фаолият масаласи энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Юксак даражада тараққий этишни мақсад қилган жамият учун бу табиий ҳол албатта ва шу жиҳати билан касбий инновацион фаолият мавзусини тадқиқ этиш илмий тадқиқот ишимизда долзарб аҳамият касб этади.

Касбий инновацион фаолият тушунчасига тўхталишдан аввал инновация сўзининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Инновация атамаси бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларида кенг тарзда қўлланилмоқда. “Инновация” атамаси латинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгилиниш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса латинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “innovatio” кўринишида таржима қилинса – “ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади. Инновация тушунчаси биринчи бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида илмий тадқиқот ишларида пайдо бўлди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида унга шундай таъриф берилган: Инновация инглизча касбий инновацион сўзидан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро маъноларини англатиб, 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши тушунилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, қуйидагича таъриф берилган: 1. Инновация инглизча innovation- киритилган янгилик, ихтиро. 2. Илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар

ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши. Муайян тилда асосан, унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари).

Юқорида келтирилган таърифларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар асосан, инновация тушунчасини технологик ва иқтисодий жиҳатдан изоҳлашга хизмат қилади. Бу эса, фанда инновация ҳамда касбий инновацион фаолият тушунчаларини ўрганишда бир томонлама ёндашувнинг юзага келишига олиб келади.

Инновация (янгиликлар киритиш) - янги маҳсулот турлари, технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишга, янги ташкилий шакллар жорий қилишга йўналтирилган ижодий фаолият натижасидир. Шунингдек, инновация-интеллектуал маҳсулот-ихтиро, ахборот, ноу-хау ёки ғоя иқтисодий мазмунга эга бўладиган жараёндир.

Мазкур ёндашувлар инновацияни иқтисодий ва технология соҳаларига асосланган. Бироқ, жамият ривожланиши учун иқтисодий соҳа билан бир қаторда ижтимоий соҳа ҳам бирдек ривожланиши лозим. Инновация тушунчасига шу нуқтаи назардан ёндашар экан Д.М. Гвишиани шундай таъриф беради: “Инновация – янги ижтимоий эҳтиёж (ёки маълум бўлган эҳтиёжни яхшироқ қондириш) учун янги амалий восита (янгилик) яратиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш комплексли жараёни, шу билан бир пайтда бу – ушбу янгилик билан унинг ҳаётийлик даври якунланадиган ижтимоий ва буюм ҳолатидаги муҳитда боғлиқ бўлган ўзгаришлар жараёни”. Олим бу ерда инновация тушунчасини жамиятни ривожлантиришга хизмат қилувчи янгилик сифатида баҳолайди. Бошқа бир тадқиқотчи Л.В. Канторович ўз изланишлари натижасига кўра, инновацияни кашфиёт дея хулоса қилади: “Инновация – амалиётда қўлланиладиган ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талабларни қониқтирадиган, мос келувчи соҳаларда самара берадиган илмий ихтиро ёки кашфиётлар”.

Бироқ мазкур тадқиқотлар натижаси ўлароқ, хулоса қиладиган бўлсак, инновацияни кашфиёт ёки ихтиро деб бўлмайди. Бизнингча, инновацияни янгилик сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Бироқ инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган фикрларга қарамасдан инновациялар кашфиёт ва ихтиролардан фарқ қилади. Яъни, ихтиро - бу янги концепцияни яратиш демакдир, инновация эса, бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиш кўрсатиш ва унинг муваффақиятини таъминловчи янгиликдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, маълум бир мақсадга эришиш учун янги-янги йўлларнинг топилишидир. Демак, инновациялар бевосита амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ва фаолият натижасида намоён бўлади. Яъни, инновациялар - касбий инновацион фаолият натижасида ижтимоий ҳаётда ўз самарасини беради.

Касбий инновацион фаолият тушунчаси кундалик ҳаётда тобора кўпроқ жарангламоқда. Бунинг сабаби жаҳон миқёсида ривожланишнинг янги босқичига ўтиш йўлидаги муаммоларга ечим сифатида касбий инновацион фаолият кўрсатилаётганидир.

Биз касбий инновацион фаолият тушунчасининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни тўғрисида фикр юритар эканмиз, шу ўринда бунинг ижтимоий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Чунки, касбий инновацион фаолият тушунчасига иқтисодий ҳамда технологик ёндашувлар етарлича. Унинг ижтимоий соҳада қўлланилиши борасида эса, бугунги кунда эътибор етарлича эмас. Касбий инновацион

фаолиятнинг ижтимоий соҳада қўлланилиши фанда ижтимоий инновация дея номланади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ижтимоий инновация тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг миллий энциклопедияси, фалсафий қомусий луғат ва бошқа изоҳли луғатларда ҳам таъриф берилмаган. Одатда, ижтимоий инновациялар деганда, бизнингча, ижтимоий эҳтиёжларни кондиритишга йўналтирилган инновациялар тушунилади: меҳнат шароитларини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш кабилар.

Мамлакатимизда ижтимоий инновацияни жамият ҳаётида қўлланилиши ёки янги ижтимоий инновацияларни яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар жуда кам. Бироқ, ижтимоий инновацияни амалиёти билан бевосита боғлиқ ислохотлар кўплаб амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, касбий инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши шу жумладандир. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган касбий инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан касбий инновацион ғоялар, касбий инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.

Жаҳонда бўлаётган глобаллашув ва таълим интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Хусусан, малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида касбга йўналтирилган вазифалар билан боғлиқ сифатларни белгилаш, битирувчининг касбий компетентлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик таххислашнинг касбий инновацион методларини излаб топиш ва улардан унумли, самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари муҳим ўринни эгаллайди. Шу боис, олий таълим муассасаларини иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ривожлантириш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг касбий инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти. Бугунги кунда ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиши ва уни амалиётда таълим муассасаларининг касбий инновацион жараёнларига қўшилишидаги аҳамиятини англаб етиши ҳамда яратиш имкони мавжуд бўлган касбий инновацион майдонда ўзини кўриш ва энг муҳими, янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда глобаллашув шароитида олий таълим муассасалари таълим соҳасидаги амалга оширилаётган янгиликлар талабаларни мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотида ноанъанавийликка асосланган усулларга кўпроқ ёндашишни тақоза этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида бўлажак мутахассисларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантикий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан педагог-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат бўлади. Педагог одатда ўқитиш давомида талабалар ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликлари, аниқ билимларга эга бўлганликларидан хабардор бўлсагина, талабани янги билимлар билан қуроллантира олади.

Иқтисодий фанларни ўқитишда касбий инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга. Шунингдек, замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу педагог ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларида иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотида, яъни маъруза, амалий ва лаборатория машғулотида ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Умуман олганда, иқтисодиёт олий таълим муассасаларида касбий инновацион технологияларни ўқитиш жараёнида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий омилкорликларини шакллантириш, методик маҳоратини кўтариш, уларни замонавий технологиялар билан қуроллантириш омили бўлиб қолмоқда.

